

– “Яшил” солиқ тизимини жорий қилиш.

“Яшил” иқтисодиётнинг глобал миқёсда ривожланиб боришида инсон соғлиги билан боғлиқ бўлган омилларга эътибор кучайиб бормоқда. Кейинги йилларда давлатларда (Швеция, Сингапур, Жанубий Корея, Дания, Швейцария ва ш.к.) иқтисодий ва ижтимоий тармоқларни “яшил” молиялаштиришда иқтисодий самарадорлик ва экологик мувозанатга (“икки ютуқ” – win-win policy) эришиш кўзда тутилади. Бу экологик мувозанат атмосферага чиқарилаётган заҳарли чиқиндиларни камайтириш, углерод нейтралликка эришиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, кам чиқиндили ишлаб чиқаришга ўтиш жараёнидир. Шу мақсадга эришишда иқтисодий ва экологик сиёсат уйғунлашади.

Шундай қилиб, «Яшил» иқтисодиёт концепциясини самарали амалга оширишдаги бош

муаммо энергия ва ресурсларни тежайдиган “яшил” технологиялар, муқобил энергетикани ривожлантириш ва “яшил” бизнес, “яшил” тадбиркорликни омалаштиришга қўшимча инвестициялар киритиш ҳисобланади. “Яшил” иқтисодиётга ўтишнинг долзарблигини илмий асослашнинг мураккаблиги, экологик муаммоларни башорат қилишнинг юқори даражада ноаниқлиги ушбу концепцияни тушунарли, содда тарзда тушунтиришда қийинчиликлар туғдиради. Масалан, жаҳонда иссиқхона газларини CO₂ атмосферага чиқариш муддати ва даражасини пасайтириш бўйича ягона келишув йўқ. Иссиқхона газларини атмосферага чиқариш миқдори ортиб бормоқда. “Яшил” иқтисодиётга ўтиш концепцияси ҳар бир мамлакат учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда содир бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобилев С.Н., Кирюшина П.А., Кудрявцева О.В. Зеленая экономика и цели устойчивого развития для России. МГУ им.М.В.Ломоносова 2019, с. 283.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланишни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 841-сонли қарори.
3. David William Pearce, Anil Markandya, Edward Burr Barbier, Edward Barbier Blueprint for a Green Economy London: Earthscan, 1989. – 192 p.
4. Башорина О.В., Темкина И.М. Переход к “зеленой” Экономике как фактор устойчивого развития и преодоления бедности. – Урал, 2012. – 201 с.
5. Неверов А.В., Водопьянова Т.П. Экономика природопользования. – Минск, 2019. – 117 с.
6. “Зеленая” экономика-главный тренд нового десятилетия. – М., 2021. С. 7-13.
7. Яшалова Н.Н. “Зеленая” Экономика: региональный аспект. – Санкт-Петербург, 2014. – 194 с.
8. Пискунов Н., Пахомов Н.В. Анализ мирового опыта перехода к “зеленой” Экономике. – М., 2022. – 213 с.
9. Вахобов А.В. ва бошқ. “Яшил” иқтисодиёт. Дарслик. – Т., 2020. – 295 б.
10. Транспорт департаменти статистикаси. 2021 йил январь ҳолати. – 167 б.
11. Инфографика: 40 самых зеленых стран мира индекс экологической эффективности. 2021. – 39 с. <https://www.vokrugsveta.ru/articles/infografika-40-samykh-zelenykh-stran-mira-id653357/>
12. “Зеленые” решения для бизнеса. – М.: Эксперт, 2022. Стр. 17-21.
13. “Инновациялар иқтисодиёти” журнали. – Лондон, 2020 й. С. 67.
14. 2011 йил ЮНЕП ташкилоти ҳисоботида
15. Экологические проблемы Узбекистана. Экология. <https://evolyelium.com>. 2021.
16. “Зеленая” экономика: определение и современная модель. – Вестник УФУ, 2020 г. С. 14-17.
17. Анализ мирового опыта перехода к зеленой экономике. – М., 2021 г. – 76 с.
18. Введение в зеленую экономику. Монография. Коллектив-авторов. – Казань, 2020 г. С. 33.
19. Экономические механизмы и условия перехода к зеленой экономике. – Санкт-Петербург, 2019 г. – 71 с.
20. Зеленая экономика. М.Г.У. – М., 2019 г. С. 97.
21. Ismanov I.N. Modern Threats and Environmental Problems in the Context of Economic Globalization. International Journal on Integrated Education. Volume 5, Issue 12. Dec. 2022. P. 314-319.



МАКРОДАРАЖАДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎШЛИҒИ

Юсупов Жасурбек Олимжонович -
Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт
мустақил тадқиқотчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a4

Аннотация. Қўшилган қиймат солиғи бўшлиғи дунё иқтисодиётида кўпроқ ўрганилаётган соҳалардан бири бўлган вақтда, ушбу тушунчани Ўзбекистонда ҳали ўрганилмаган, қонунчилик ёки илмий адабиётларда учрамайдиган термин сифатида баҳолаш мумкин. Шу сабабдан, ушбу мақолада “Қўшилган қиймат солиғи бўшлиғи” тушунчасининг оддий ва мураккаб таърифи, унинг ёйилмаси ҳақида сўз боради. Солиқ бўшлиғи асосан тасвирий чизмалар ёрдамида ёритилади ва бу ўз навбатида, фойдаланувчиларнинг тушунишини осонлаштиради.

Калит сўзлар: қўшилган қиймат солиғи, қўшилган қиймат солиғи бўшлиғи, солиқ қонунчилигига амал қилиш, потенциал йиғим, амалдаги йиғим.

РАЗРЫВ НАЛОГА НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ НА МАКРОУРОВНЕ

Юсупов Жасурбек Олимжонович -

Независимый исследователь

Фискального института при Налоговом Комитете

Аннотация. В то время как разрыв налога на добавленную стоимость является одной из наиболее изученных областей в мировой экономике, это понятие можно оценить как термин, который еще не изучен в Узбекистане и не встречается в законодательстве или научной литературе. По этой причине в данной статье говорится о простом и сложном определении понятия «разрыв налога на добавленную стоимость», его распространении. Налоговый разрыв в основном покрывается с помощью графических рисунков, что, в свою очередь, облегчает понимание пользователями.

Ключевые слова: налог на добавленную стоимость, разрыв налога на добавленную стоимость, соблюдение налогового законодательства, потенциальный сбор, фактический сбор.

VALUE ADDED TAX GAP IN MACRO LEVEL

Yusupov Jasurbek Olimjonovich -

Independent researcher of Fiscal

Institute of Tax Committee

Annotation. While the value-added tax gap is one of the most studied areas in the world economy, this concept can be evaluated as a term that has not yet been studied in Uzbekistan and is not found in legislation or scientific literature. Therefore, the paper describes the simple and complex definition of the concept of "Value Added Tax Gap", and its further break-down. The tax gap is mainly covered with the help of pictorial drawings, which in turn makes it easier for the users to understand.

Keywords: value added tax, VAT gap, tax compliance, potential collection, current collection.


Кириш. Солиқ бўшлиғининг оддий таърифи “потенциал ва амалдаги йиғимлар ўртасидаги фарқ”дир. (1-расм)

Бироқ бу таъриф жуда оддий ва мавҳумдир. У куйидаги саволларга жавоб бермайди:

- потенциал йиғимлар деганда нима тушунилади ва уларни қандай баҳолаш мумкин?
- амалдаги йиғимлар деганда нима тушунилади ва уларни қандай ўлчаш керак?

Шу сабабдан, яхшироқ ва аниқроқ таърифни куйидагича келтириш мумкин:

Солиқ бўшлиғи барча тегишли фаолият (даромадлар, активлар)нинг стандарт ставка бўйича солиққа тортилган бўлса, барча солиқ тўловчилар солиқ қонунчилигига тўлиқ амал қилганда олиниши мумкин бўлган потенциал йиғимлар ва ҳисоблаш усули бўйича ўлчананадиган ҳақиқий тушумлар ўртасидаги фарқдир[4].



1-расм. Солиқ бўшлиғининг оддий таърифи

Шундай қилиб, солиқ бўшлиғини баҳолаш учун ушбу таърифга кўра, бизга иккита нарса керак бўлади:

- барча тегишли фаолиятлар (даромадлар, активлар) стандарт ставка бўйича солиққа тортилса, барча солиқ тўловчилар солиқ қонун-

чилигига тўлиқ амал қилса, олиниши мумкин бўлган йиғимлар;

- ҳисоблаш усули билан ўлчанадиган ҳақиқий тўловлар.

Биринчи қисмдаги маълумотни баҳолаш ва иккинчисини эса солиқ ҳисоботи маълумотларидан олиш мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Зидкова (2016) томонидан ўтказилган тадқиқотда қўшилган қиймат солиғи бўшлиғига таъсир этувчи омиллар ўрганилиб, ўрганиш якунида стандарт солиқ ставкасидан ташқари пасайтирилган солиқ ставкалар қўлланадиган давлатларда солиқ бўшлиғи юқориқроқ бўлиши аниқланган. Муаллифнинг фикрича, стандарт ставка ва пасайтирилган ставка ўртасида фарқнинг катталашуви солиқлардан қочишга олиб келади.

Уеда М.Ж (2017) томонидан ўтказилган тадқиқотда ривожланган давлатлар миқёсида амал қилиш ҳамда сиёсат бўшлиқлари уларнинг С-самарадорлик кўрсаткичлари ўзгаришига таъсири ўрганилган. Тадқиқот натижасида икки турдаги бўшлиқ ҳам С-самарадорлик коэффицентига алоҳида таъсир этиши аниқланган.

Лакума ва бошқалар (2018) томонидан Уганда давлатининг ҚҚС бўшлиғи юзасидан ўтказилган тадқиқотларида амал қилиш бўшлиғи 2016 йилда ЯИМга нисбатан 3,6 %ни ташкил этганлиги ҳамда ушбу бўшлиқ соҳалар кесимида ишлаб чиқариш, қурилиш, чакана ва улгуржи савдо, сув таъминотида юқори эканлиги ва ушбу соҳаларда солиқ назорати тадбирлари ўтказиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулосага келинган. Шунингдек, сиёсатдаги бўшлиқ амал қилиш бўшлиғидан кам эканлиги ва ЯИМга нисбатан ўртача бир фоизни ташкил этиши аниқланган.


Лесник ва бошқалар (2018) томонидан олиб борилган тадқиқотда ҚҚС бўшлиғи солиқ тўловчиларнинг солиқ ҳисоботлари асосида эконометрик таҳлил ёрдамида аниқланган. Шу-

нингдек, солиқ бўшлиғи ҳосил бўлишини баҳолашда корхоналар фаолияти юзасидан ўтказилган аудит ҳамда унинг натижалари таъсири ўрганилган бўлиб, солиқ аудити сонининг ортиши солиқ бўшлиғининг камайишига олиб келган. Бундан ташқари иқтисодий ўсиш ҳам солиқ бўшлиғини камайишида ўз аксини топган.

Анна Кристоу ва бошқалар (2021) томонидан Греция миқёсида ҚҚС бўшлиғини иқтисодий соҳаларга таъсири ўрганилганда, айрим соҳаларнинг ЯИМдаги улуши ортиши билан ҚҚСдаги бўшлиқ ҳам ортиши ҳамда айрим соҳаларда эса акс таъсири аниқланган. Жумладан, умумий овқатланиш ва мехмонхона ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ортиши солиқ бўшлиғининг ортишига олиб келганлиги, саноат соҳасининг ортиши эса бўшлиқнинг камайишига олиб келганлиги тадқиқот давомида аниқланган.

Тадқиқот методологияси. Мақола мавзуси қўшилган қиймат солиғидаги бўшлиқ тушунчасини очиб беришга қаратилган бўлиб, аввало, мавзунинг долзарблиги асосланди, ушбу йўналиш бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Илмий тадқиқот давомида аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.


Таҳлил ва натижалар. Солиқ бўшлиғи таърифини тўлиқроқ кўрсатиш учун, 2-расмдан фойдаланиш мумкин. Ушбу расмда агар давлат миқёсида барча фаолиятлар (даромадлар, активлар) белгиланган ставкада солиққа тортилганда ва барча солиқ тўловчилар солиқ қонунчилигига тўлиқ амал қилганда, расмда кўрсатилган ABCD-соҳа потенциал йиғимни ифодалайди. AEEFG-соҳа эса барча фаолият (даромад, активлар) жорий сиёсат доирасида солиққа тортилганда ҳамда солиқ тўловчилар солиқ қонунчилига жорий ҳолда амал қилаётганда амалдаги йиғимларни кўрсатади. ABCD ва AEEFG соҳалар ўртасида фарқ эса солиқ бўшлиғини ифодалайди.



2-расм. Солиқ бўшлиғининг тўлиқроқ акс эттирилиши

3-расмда солиқ бўшлиғининг кейинги ёйилмаси акс эттирилган. Потенциал йиғимлар учун бироз бошқачароқ таърифдан фойдаланиб, “Жорий потенциал йиғим” – агар ҳамма фаолият (даромадлар, активлар) жорий солиқ сиёсати доирасида солиққа тортилган бўлса ва барча солиқ тўловчилар солиқ қонунчилигига тўлиқ амал қилганда, солиқ бўшлиғи икки қисмга бўлиниши мумкин: 1. Амал қилиш бўшлиғи. 2. Сиёсатдаги бўшлиқ.

Жорий солиқ сиёсатида барча солиқ тўловчилар солиқ қонунчилигига тўлиқ амал қилганда, АВНГ-соҳа жами йиғимни англатади. Расмдан шуни кўриш мумкинки, ушбу жами йиғимдан амалдаги йиғимни ўртасидаги фарқ, ЕВНГ-соҳа бу амал қилиш бўшлиғини белгилайди. Шунингдек, сиёсатдаги бўшлиқ бу тўлиқ солиқ сиёсатдаги потенциал йиғимдан жорий сиёсатдаги потенциал йиғим ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади ва у қуйидаги расмда ГНCD-соҳани англатади.




3-расм. Солиқ бўшлиғининг кенгайтирилган ёйилмаси

Амал қилиш бўшлиғи ҳамда сиёсатдаги бўшлиқни 4-расмда келтирилганидек, яна қўшимча бўлақларга бўлиш мумкин.

Жорий солиқ сиёсатида агар солиқ тўловчилар ҳисоботларини тақдим этиб, солиқларни ҳисоботларида акс эттирса, лекин тўламаса, ҳисобланган лекин ундирилмаган солиқлар – ундирувдаги бўшлиқни англатади. Графигимизда ундирувдаги бўшлиқ ELMF-соҳани англатади.

Амал қилишдаги бўшлиқ ҳамда ундирувдаги бўшлиқ ўртасидаги фарқ ҳисоблашдаги бўшлиқдир ва у қуйидаги графикда LBHM-соҳа билан белгиланган.

Меъёрий солиқ сиёсатидан фойдаланиб, сиёсатдаги бўшлиқни ҳам икки қисмга бўлиш мумкин, харажат бўшлиғи ҳамда солиқ солинмайдиган бўшлиқ. Меъёрий солиқ сиёсати барча элементларни ўз ичига олган солиқ базасидан солиқ ҳисобланиши амалиётда мумкин бўлган ҳолат бўлса, тўлиқ сиёсат бу назарий жиҳатдан барча элементларни ўз ичига олган солиқ базасидан солиқ ҳисобланиши мумкин бўлган сиёсатдир. Расмда харажат бўшлиғи ГНJK-соҳада ва солиқ солинмайдиган бўшлиқ JKCD-соҳада ўз аксини топган.



4-расм. Солиқ бўшлиғининг тўлиқ ёйилмаси

Солиқ бўшлиғи фискал хавф ва даромадларнинг ошириш имкониятларини акс эттирувчи кўрсаткичлардан биридир. Амал қилиш бўшлиғи ва сиёсатдаги бўшлиқларни алоҳида то-

пиш орқали солиқ бўшлиғи хавфларни бошқариш стратегияларини ва уларни тегишли тартибда бартараф этиш усулларини аниқлашга ёрдам беради.

- Сиёсатдаги бўшлиқ ва айниқса, харажат бўшлиғи жорий сиёсат бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг фискал таъсирини тушуниш учун асос ҳисобланади.

- Амал қилиш бўшлиғи солиқларни йиғиш маъмурчилигининг умумий самарадорлигини баҳолаш учун асос сифатида хизмат қилади. Бу кўрсаткич жорий сиёсат доирасида солиқ тушумларини максималлаштириш самарадорлигини кўрсатади.

Умуман, солиқ бўшлиғини аниқлаш самарадорликдаги ўзгаришларни баҳолашга ёрдам беради. Солиқ бўшлиғини доимий тарзда аниқлаш натижага асосланган солиқ маъмурчилиги йўналишларини баҳолаш имконини беради. Бу маълумотларни билиш қуйидагилар учун муҳимдир:

➤ солиқ сиёсатини юритувчиларга улар томонидан қўлланилган сиёсат самарадорлигини баҳолаш учун;

➤ солиқ маъмуриятига – маъмурчилик самарадорлигини баҳолаш учун;

➤ кенг жамоатчиликка – улар тўлаётган солиқларнинг адолатлилигини баҳолаш учун.

Қўшилган қиймат солиғи бўшлиғини ҳисоблашнинг асосий усулларида бири юқоридан пастга ёндашувдир. Бундай ёндашув айриш усули орқали аниқланиб, дастлаб потенциал солиқ йиғими баҳоланади ва бўшлиқни аниқлашда ушбу қийматдан ҳақиқатда ундирилаётган қиймат айрилади.

Бу усул даромад солиғи бўшлиғини аниқлаш учун кўп ҳолатда қўлланиладиган пастдан юқорига ёндашувининг акси ҳисобланади. Бунда амал қилиш ва сиёсат бўшлиғи дастлаб корхоналар кесимидаги солиқ маълумотлари асосида баҳоланади ва ҳақиқатда йиғилаётган солиқларга ушбу бўшлиқ суммаларини қўшиш орқали потенциал солиқ йиғимлари ҳосил қилинади.

Юқоридан пастга ёндашувини амалга оширишда ҚҚСнинг учта потенциал вариантлари ҳисоблаб чиқиш мумкин:

- Биринчиси, жорий солиқ тузилмасидан фойдаланган ҳолда аниқланадиган потенциал ҚҚС ва бу жорий потенциал йиғим деб аталади. Қулайлик учун буни PV1 деб белгилаш мумкин.

- Иккинчиси, меъёрий солиқ тузилмасидан фойдаланган ҳолда аниқланадиган потен-

циал ҚҚС. Бунда ҚҚС меъёрий солиқ сиёсатида солиқдан озод қилинган жамоат хизматлари, молиявий хизматлар ва суғурта хизматларидан ташқари барча солиққа тортиладиган маҳсулотларни стандарт ставкада солиққа тортиш (экспорт ноль даражали ставкада) орқали аниқланади. Биз буни шартли PV2 деб номлаймиз.

- Учинчиси, тўлиқ солиқ сиёсатидан фойдаланган ҳолда аниқланган потенциал ҚҚС ва бу тўлиқ потенциал йиғим деб аталади. Тўлиқ солиқ сиёсатида барча товарлар ва хизматлар стандарт ставкада солиққа тортилади. Биз ушбу вариантни PV3 деб белгилаймиз.

Юқоридаги потенциал ҚҚСнинг учта варианты ҳамда ҳисобланган ва тўланган ҚҚСга доир маълумотлардан фойдаланиб, солиқ бўшлиғининг барча таркибий қисмлари аниқланишимиз мумкин:

- солиқ бўшлиғи = PV3- ундирилган ҚҚС,

- сиёсатдаги бўшлиқ = PV3 - PV1,

- солиқ солинмайдиган бўшлиқ = PV3-PV2,

- харажат бўшлиғи = PV2 - PV1,

- амал қилиш бўшлиғи = PV1 - ундирилган

ҚҚС,

- ҳисоблашдаги бўшлиқ = PV1 – ҳисобланган ҚҚС,

- ундирувдаги бўшлиқ = ҳисобланган ҚҚС- ундирилган ҚҚС

Хулоса ва таклифлар. Қўшилган қиймат солиғи бўшлиғини аниқлаш усуллари ҳамда бўшлиқнинг таркибий қисмларини аниқлаш формулаларидан фойдаланган ҳолда мамлакат миқёсида қўшилган қиймат солиғи бўшлиғини баҳолаш имкони мавжуд бўлади. Бунда ялпи ички маҳсулотнинг таркибий қисмлари тўғрисида статистик маълумотлар, солиқларнинг ҳисобланиши ва тўланаши юзасидан эса солиқ маълумотларидан фойдаланиб, умумий солиқ бўшлиғи ва унинг таркибий қисмлари аниқланиши мумкин.

Аниқланган кўрсаткичлар мақолада келтирилганидек, солиқ сиёсатини олиб борувчиларга сиёсат бўшлиғини баҳолаш, солиқ маъмурчилигини олиб борувчилар учун эса маъмурчиликдаги камчиликлар, жумладан, муаммо солиқ ҳисобланиши ёки ундирувида эканлигини аниқ билишга хизмат қилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ўРҚ-136-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ўРҚ-599-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни.
3. Anna, C., Nikolaos, E., Ioannis, L., Spyros, P., & Eleftherios, T. (2021). The Greek VAT Gap: The Influence of Individual Economic Sectors. *European Research Studies*, 24(4B), 851-882.
4. Hutton, M. E. (2017). The Revenue Administration–Gap Analysis Program: Model and Methodology for Value-Added Tax Gap Estimation. *International Monetary Fund*
5. Lakuma, C. P., & Sserunjogi, B. (2018). The Value Added Tax (Vat) Gap Analysis For Uganda.
6. Lešnik, T., Jagrič, T., & Jagrič, V. (2018). VAT gap dependence and fiscal administration measures. *Naše gospodarstvo/Our economy*, 64(2), 43-51.
7. Ueda, M. J. (2017). The evolution of potential VAT revenues and C-efficiency in advanced economies. *International Monetary Fund*.
8. Zidková, H., & Pavel, J. (2016). What Causes the VAT Gap? *1. Ekonomicky casopis*, 64(9), 811.